

## МУҲАММАД ЮСУФ БАЁНИЙНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР

Мамарасулова Вазира Шавкат қизи

Тошкент давлат шарқшунослик университети 2-курс магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7179734>

**Аннотация.** Мазкур мақола Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг тарихшунослиги масаласи, ҳамда унинг ҳаёти ва фаолиятига доир янги тадқиқотлар ҳақида маълумотлар беради.

**Калит сўзлар:** байт, тарих, газал, маснавий, назм, қит'а, насталик мактуби, "Хоразм шоирлари", поигир, рубоий, "Саҳир", "Тазкираи шуаро"нинг қиёсий таҳлили.

### НОВЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУҲАММАДА ЮСУФА БАЙОНИ

**Аннотация.** В данной статье приводится изложение новых исследований по вопросу историографии Мухаммада Юсуфа Байони, а также его жизни и деятельности.

**Ключевые слова:** байт, история, газель, маснави, назм, қита, наста'лик письмо, "поэты Хорезма", поигир, рубаи, "Сахир", сравнительный анализ "Тазкирай шуаро".

### NEW RESEARCH ON MUHAMMAD YUSUF BAYONI'S ACTIVITY

**Abstract.** This article describes the issue of the historiography of Muhammad Yusuf Bayani, as well as new studies on his life and activities.

**Keywords:** byte, comparative analysis, ghazal, history, "Khorezm poets", masnavi, Nasta'lik letter, poem, poygir, kita, ruboi, "sohir", "Tazkirai shuaro".

### КИРИШ

Марказий Осиёда яшаб ўтган мутафаккирлар, шоирлар ва олимларнинг фаолиятини ўрганиш бугунги кунда долзарб масала саналади. Хусусан Хива хонлиги саройида яшаган илм аҳли фаолияти ҳам бугунги кунда ўрганилиши зарур бўлган мавзулардан ҳисобланади. Биз ушбу кичик ҳажмли тадқиқотимизда нафақат Хива хонлиги даврида балки хонлик саройида яшаб ижод қилган Муҳаммад Юсуф Баёний ҳақида маълумот берамиз.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Муҳаммад Юсуф Баёний XIX аср охири ва XX аср бошлари ўзбек адабиёти ҳамда маданиятининг йирик намоёндасидир. Кўп тармоқли йўналишда ижод этган бу адибнинг яратиб қолдирган мероси ҳам серкирра. Унинг шеърляти, тарихий асарлари, тарихий-бадий таржималари маданий меросимизнинг муҳим қисмини ташкил этади. Баёнидан бизга бир шеърлий девон, шунингдек, тарихга оид «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» (нотамом) китоблари ҳамда 4 таржима асари қолган. Шу пайтгача тарихчилар, адабиётшунослар Баёнийнинг таржимаи холи, бадий асарлари ҳамда тарихий асарларининг баъзи қирраларини ўрганишган лекин унинг машҳур "Шажарайи Хоразмшоҳ" нинг мазмунан давоми ҳисобланган иккинчи йирик тарихий асари бўлмиш "Тарихи Хоразм", тарихчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хусусан Баёнийнинг 1905-1923- йилларидаги ижодий намуналари ўша давр вақтли матбуотларида ҳам учрайди. Шунингдек, Хива адабий муҳитига оид манбалар: Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг "Шоҳид-ул Иқбол", Аҳмад Табибийнинг "Мажмуат-уш шуаро Ферузшоҳий", Ҳасанмурод Лаффасийнинг "Хива шоир ва адабиётчиларнинг таржимаи

холи” каби асарларида Баёний ҳақида маълумотлар билан танишишимиз мумкин. Айниқса, Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” асарида 51 нафар Хоразмлик ижодкорнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади ва булар ичида Муҳаммад Юсуф Баёний ҳаёти ҳамда фаолияти бўйича ҳам маълумотларни унинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №9494 рақами остида сақланаётган қўлёзманинг 26а ва б вароқларида учратишимиз мумкин. Ушбу рақамли қўлёзмада Муҳаммад Юсуф Баёний 1840 йили Хивада дунёга келади. У шоир, тарихчи, таржимон, хаттот, тиббиёт илмининг билимдони, қомусий билиб эгаси дея таърифланади. Бундан ташқари, Баёнийнинг вафот этган йили “Тазкираи шуаро” асарининг турли қўлёзма нусхаларида турлича талқин этилади. Хусусан Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг вафоти №12561 рақамли қўлёзмаси 396 вароғида “Аммо, Баёний 1920 инжи йили Хоразм шўролар жумҳуриятининг маориф назорати қарамоқида вақф шуъба мудирлик вазифасида ишлаб, 1922 инжи йили мингларча надомат-ҳасрат бирлан оғу чекиб, фалак золим, жафокорнинг ситамидин додлангон ҳолида ушбу ёлгончи дунёдин кўз юмиб, бақо бўстониға сафар қилиб, беҳишт-и жовидонида манзил қиладур” дейилган. Қўлёзманинг №9494 рақамли нусхаси 26а вароғида эса қуйидагиларни ўқиймиз: “Баёний 1920-1921нжи йилларда Хивада маориф назоратини қарамоғи шуъбасини мудирлиги вазифасида ишлаб 1923 йил дунёдин зиллат қавсини садоға киргизиб охиратға сафар қиладур”, дея қайд этилган. №11499 рақамли қўлёзмадаги маълумот №9494 рақамли қўлёзма билан бир хил ёритилган. Манбалардаги маълумотлар билан солиштирганда Муҳаммад Юсуф Баёний 1923 йил 83 ёшида вафот этади.

Муҳаммад Юсуф Баёний ёшлигиданоқ илмга қизиқиб бир қанча узтозлардан таҳсил олди. Дастлаб у араб, форс, усмонли турк, озарбайжон тилларини чуқур ўрганди, шеърга, илмга ва мусиқага айрича муҳаббат қўйди. Албатта, бунда оилавий муҳитнинг таъсири катта эди. Унинг отаси Бобожонбек шеърят, тарих, мусиқа илмларидан яхшигина хабардор бўлган, ҳатто ўз замонининг машҳур шоир ва тарихчиларидан Мунис, Огаҳийлар назарига тушган эди. Улар билан қадрдонлашиб, борди-келди қилишган. Бундай шоирларнинг ташрифи ва суҳбати ёш Муҳаммад Юсуфга айрича таъсир қилиши табиий эди. Бундай учрашувлар унинг шеърятга ҳавасини ёлқинлантирди, иштиёқини оширди. Муҳаммад Юсуфбек эски мактабни битиргач, табиблик илмига ҳавасманд бўлиб, бу соҳада ҳам муайян маълумотга эга бўлди. Баёний яхши табиб, яхши хаттот ва яхши мусиқашунос мақомини олади. У олти ярим мақом созини тўлиқ билган. Ҳатто Хива шоир ва уламолари Юсуфбекнинг уйига бориб «соз қилдирайли» деб тонг отгунча мушоира қилиб, соз чалиб ўтирганлар. Баёний хонадонидан танбур, ғижжак, доира, буломон, дутор каби мусиқа асбоблари тўлиқ бўлиб, уларни ўзи яхши чертган, лекин қўшиқ айта олмаган. Уйи доимо меҳмонлар билан гавжум бўлган. Манбаларда келтирилишича, Баёний узун бўйли, чиройли, сариқ соқолли камбағал одам бўлган. Кийимлари озода бўлиб, сўзлаган вақтда овози гоҳо йўғон, гоҳо нозик чиққан. Халқ орасида ҳозиргача «Овози Юсуфбек овозига ўхшар экан» деган ибора юради. Бобожон Тарроҳ Ходимнинг хотирлашича, Баёний хушовоз, сахий одам бўлган экан. Бу маҳоратларни Баёнийда кўрган ўз замондоши Табибий уни мана бундай таърифлаган:

Баёнийки бор шоири хуш баён,

Сўз ичра қилур, дуру гавҳар аён...

Баёнийки, машхур шоир эди,

Дема шоир они, сохир эди.

Таърифланганидек, Баёний “сохир” ижодкор бўлиб этишди ва бу билан халқнинг, ижодкор замондошларининг, ҳатто Хива хонининг эътиборига тушади. Бу вақтда Хива ҳукмфармоси Муҳаммад Раҳим II Феруз эди. Шоҳ ва шоир Ферузнинг истаги ва таклифи билан Баёний умрининг катта қисми саройда ўтди. Аммо саройда у бирор юқори лавозимда бўлмаган. М.Йўлдошев уни “Хива хони саройида девон бўлиб ишлаган” лигини эътироф этади. Ҳасанмурод Лаффасийнинг юқорида келтирилган асарининг №9494 рақамли кўлёзма нусхасида уни 1920-21 йилларда яъни умрининг охириги йилларида Хива маориф бўлимида шуъба мудири вазифасида хизмат қилганлигини таъкидлаб ўтади.

XIX асрнинг II ярми XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити, унинг намояндалари ижоди ҳақида яратилган деярли барча илмий тадқиқотларда ҳамда бу даврдаги Хоразм тарихини ёритувчи тарихий-илмий асарларда шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар бор. Бундан ташқари, академик Й.М.Йўлдошевнинг 1960 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган «Хива давлат ҳужжатлари» номли китобида Баёнийнинг саройдаги хизмати ва мусиқагагўйлигига оид маълумотлар берилган. Ўтган асрнинг 60-йилларида Баёний ижодига бўлган эътибор янада жонланди. 1960 йил тарихнавис олим Қ.Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари» рисоласи эълон қилинди. Мазкур рисолада «Шажараи Хоразмшоҳий»нинг Ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги аҳамияти маълум даражада ёритилади. 1962 йилда эса С.Ғаниева ва Ҳ.Мухторова Баёний ижодини оммалаштириш ишларини йўлга қўядилар, унинг шеърларини йиғиб, китоб шаклига келтириб, «Ғазаллар» номи билан эълон қиладилар. 1967 йилдаги Ю.Юсуповнинг “Хоразм шоирлари” китоби, 1976 йил адабиётшунос Ж.Жумабоевнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида чоп этилган “Баёний ижодининг айрим хусусиятлари” мақоласи ҳам шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълум тасаввурларни беради.

Аммо шоир ижодини жиддий ва кенг кўламда ўрганиш 90-йиллардан бошланди. Бу даврда Баёний ҳаёти ва ижодини ўрганиш, нашр этиш қизғин ва самарали олиб борилди. Бу хайрли ишнинг бошида адабиётшунос Иқболой Адизова турди. И.Адизова 1990 йили Баёнийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1994 йилда Иқболой Адизова ҳамда Нусратулло Жумайевларнинг сайъи-ҳаракатлари билан «Шажараи Хоразмшоҳий»нинг қисқартирилган ихчам нашри эълон қилинди. Бу қисқартирилган нусха “Шажараи Хоразмшоҳий” нинг муқаддимаси ҳамда 16 бобнинг фақат 15 ланчи боби ҳақидаги маълумотларни ёритиб беради. 1995 йилда эса ушбу муаллифнинг Н.Жумаҳўжа билан ҳаммуаллифликдаги «Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдир» рисоласи босилиб чиқди. Рисолада Баёнийнинг ижтимоий-маданий муҳити ва унинг “Шажараи Хоразмшоҳий” си нодир тарихий-адабий манба сифатида талқин этилди. Шу ўринда И.Адизова Баёнийнинг ижодий фаолияти тўғрисида шундай дейди: “Муҳим тарихий давр ва маданий муҳитнинг инъикоси, маҳсули сифатида Баёний фаолияти диққатга сазовордир. У марказий Осиё Россия томонидан истило этилган, Октябр инқилоби Марказий Осиёда амалга ошган долғали даврларда яшаб ижод этди. Баёний, унинг асарлари, замондошлари бу фоже ҳамда оламшумул тарихий воқеаларнинг ўлмас шохидидир. Зотан, бу ҳодисалар ўзининг долзарблиги билан жаҳон жамиятшунослиги кун

тартибидан тушмай келаётир.Баёнийнинг бадий асарларини унинг тарихий асарларидан айру ҳолда ўрганиб бўлмайди. Тарихий асарлари давр воқеа-ҳодисаларини изчил ва аниқ шарҳловчи манба бўлса,шеърятти ўтмишнинг бадий хотирасидир.Солномалар ва бадиият намуналари бир маъхаздан озиқланган.Уларнинг бири давр ҳаётини тасвирласа,иккинчиси руҳини ифодалайди” Кўринадики, Баёний ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилиш мустақиллик йиллари янги босқичга кўтарилди.

Баёнийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш мустақиллик йилларидан кейин ҳам давом этган бўлиб,бу мисолда Қ.Мунировнинг <<Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти>> Тошкент-2002 йилда босилиб чиққан “Хоразмда тарихнавислик” китоби бўлади. Унда адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.Айниқса, унда Баёнийнинг таржима асарлари ҳамда тарихий асарлари кенг ёритиб ўтилади. Жумладан, у Мавлоно Дарвеш Аҳмад томонидан ҳижрий 1092 (милодий 1681) йил араб тилида ёзилган умумий тарихга оид «Саҳоифул ахбор» («Хабарлардан саҳифалар, 1-2 жилдлар) китобини, Али Муҳаммад ал Хиравий Камолиддин Биноийнинг маснавийда ёзилган тарихий-бадий характердаги «Шайбонийнома»сини, Абу Жаъфар Жарир ат-Таборийнинг араб тилида ёзилган умумий тарихга оид насрий асари «Тарихи Таборий»ни юксак маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилади.Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ Хусайнийнинг «Равзатул-аҳбоб» асарининг ўзбекча таржимасини таҳрир қилиши Баёнийнинг нечоғлик таржимашунос эканлигидан далолат беради. Бундан кўринадики,Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг ҳаёти тўғрисида ўз замондошларининг таърифлари ҳамда турли даврдаги тарихшунослар ва адабиётшунослар асарларида етарлича маълумотларга эга бўлди.Лекин унинг тарихий асарлари ҳисобланмиш “Шажараи Хоразмшоҳий” ҳамда “Тарихи Хоразм” асарлари ҳали ҳануз тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда. Айниқса унинг “Хоразм тарихи” асари ҳанузгача ўрганилмаган бўлиб, ундаги маълумотлар сирлилигича қолмоқда.Бу қўлёзма асар ҳозирда диссертация мавзуим сифатида менга, ўрганилиш учун тақдим этилган бўлиб, ҳозирги кунда мен бу қўлёзма асарни “Шажараи Хоразмшоҳий” билан қиёсий-таҳлил орқали ўрганмоқдаман.

Асар Хоразмнинг 1846-йилдан 1873-йилгача ҳамда 1873-1914-йиллардаги бўлган тарихий ўзгаришларни ёритиб беради.Муаллифнинг кўрсатишича бу асарини Паҳлавон Ниёзхожи таклифига биноан ёзган. Бу ҳақида Баёний ушбу қўлёзма асарининг 46 саҳифасида шундай деб ёзади: “Ҳижратнинг минг уч юз ўттуз тўккузланчи (1339/1920-21) йили сафар ойининг охири эрди. Мулк-у миллатнинг тожи яъни Паҳлавон Ниёзхожи Салам Аллоҳ таъолони бу фақир-у ҳақирға дедиларким Хоразм вилоятида ва уфухға етгон воқеъотхират оятни китобат қайдиға киргузмак сизга лозимдур . Не учун бу ишда таъмол кургузур, сиз мунинг била элнинг ибрат кўзларин очғайсиз.Бу сизга мулк ва миллатнинг бир улуғ хизматидур.Албатта бу хизматга ихтимом кургузуб итмоқға етгурунг.Тоқим сиздин-у биздин бу даҳр на пойдада бир ёдгор булғой аммо бурундин ҳам бу муддао фақирнинг хотиримға хатураётдур эрди.” Баёний яна қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ёзиб ўтади: “Тарих китоби ёзишнинг шарти бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан,бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиш керак.Агар ростлик билан баён этмаса,унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди.” Бундан кўринадики Баёний тарихий асарларини ўзи кўрган билган воқеаларга асосланиб ҳаққоний тарзда

ёритади.Баёнийнинг бу асари умумий 16 бобдан ташкил топган бўлиб,бизгача унинг 7 бобигина сақланиб қолган.

## МУҲОКАМА

“Тарихи Хоразм” асари ягона нусха бўлиб , у ҳозирда ЎзР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида №7421 рақами остида сақланмоқда. Бу нусха усти қора қаттиқ материал билан қоқланиб,қора сиёҳ ва ўртача настаълиқ хати билан ўша даврдаги қадимги ранги сариқ чизиқли қоғозга ёзилган. 91 варақли қўлёзма асар махсус пойгирлар билан тартибланган.Ўлчами 22x36 см.Қўлёзда кўчирувчининг исми ва кўчирилган йили кўрсатилмаган.Асар тархий-бадий асар ҳисобланиб унда махсус мундарижа тартиби берилмаган,асардаги боблар ҳамда унда келтирилган турли хил адабий жанрлар: ғазал,маснавий,рубойи,қитъа,байт,назм,тарих кабилар қизил сиёҳ билан алоҳида ажратиб ёзилган. Қўлёзмага жиддий, ёзувлари кўринмайдиган ҳолда зарар етказилмаган. Фақат қўлёзмани 1436 саҳифасининг озгина қисми ҳамда охириги вароғи бўлган 184а саҳифа қисми анча йиртилган аммо ёзувларга шикаст етмаган.1636 саҳифанинг бироз қисми қора сиёҳ билан бўялган лекин ўқиса бўлади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф Баёний илмий ва адабий меросини тадқиқ қилиш XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти ҳамда тарихини, аниқроқ қилиб айтганда Хоразм тарихини бўёқларсиз ҳаққоний тарзда ёритиб беришда кўмак берадиган илмий мерос сифатида аҳамият касб этади.

## REFERENCES

1. Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Т.: Бадий адабиёт, 1967. – Б.91
2. Бобожонов, Д. Абдурасулов. М. “Фирдавсмонанд шаҳар.–Хива,” 2008.-Б.8.
3. Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажарайи Хоразмшоҳий // Мерос то`плами.– Тошкент.:1991.-Б.179
4. Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик (ХВИИ – ХИХ ва ХХ аср бошлари). – Тошкент: Гафур Ғулом, 2002. – 191 Б.
5. Ниғматов Т.Н. ХИХ асрнинг 20 – 50 йилларида Хива хонлиги билан Россия ўртасидаги муносабатларга оид босилиб чиққан асосий манбаларга характеристика.:Тошкент, 1955. – Б. 47-174;
6. Қаюмов М. ХИХ аср охири – ХХ аср бошидаги Хива хонлиги тарихи масалалари //
7. Муҳаммад Ризо Ернӣёзбек угли Огахий. Шоҳиду-л-икбол (Икбол шаходати) // Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. -Тошкент: Мухаррир, 2009. - 336 Б.
8. Йўлдошев М.Й. “Хива хонлигида феодал йер егалиги ва давлат тузилиши” Тошкент, 1959. 151-бет
9. Баёний Муҳаммад Юсуф. Шажарайи Хоразмшоҳий // Мерос то`плами.– Тошкент.:1991.-Б.179
10. Нусратулло Жумаҳўжа, И.Адилова “Сўздан бақолироқ ёдгор йўқдур” Тошент-Ўзбекистон-1995.1296
11. Муҳаммад Юсуф Баёний “Тарихи Хоразм” . ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 7421 рақамли қўлёзма 91 варақ

12. Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 9494 рақамли қўлёзма 2а,в, 14а варақлар.
13. Лаффасий. Тазкираи шуаро. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 12561 рақамли қўлёзма 39в варақ.
14. Лаффасий. Тазкираи шуаро. Урганч. Хоразм. 1992.-Б.41
15. Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди 11499 рақамли қўлёзма 10а варақ.